



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 27 июнь, № 128 (4791) Шанба

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!
Авваламбор, сиз азизларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматқаш ва фидойи инсонларни мамлакатимизни ривож, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, яъни ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизни муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб муҳлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

фидойилари бош қотирмасак, ўйламанки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.
Ўзингиз айтнинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қубилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак қўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва қамчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермасе, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?
Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Албатта, Ўзбекистонимизни янада равақ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам гоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чўқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига ғувоб бўлмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўлобғимизни кишидек боғлайдиган баъзи бир қоллиплардан, овозимизни баралла қўйишга ҳалақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекча қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Агар бундан ўн беш йил олдин республикада 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, махсуслот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга — бу коррупция ёки амалларастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими — буларнинг барчасига қарши мурокасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қорор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, видон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатилишини тезкор усули бўлиши интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртиларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу борада биз эскидан қолган, қўлобғимизни кишидек боғлайдиган баъзи бир қоллиплардан, овозимизни баралла қўйишга ҳалақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекча қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари корпорациясининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетақдор маданияти, бугунги сермазун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимизнинг амалий натижасидир.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун эг эмас.

Шулар қаторида барча ҳудуд ва минтақаларимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қармов доираси тобора кенгайиб бораётганини албатта таъкидлаш ўринлидир.

Савол тугилади: мана шундай раҳбарларни фоз қиладиган, қўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулғидан тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак?

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай мифдор ўзгаришлари билан бирга, жиҳдий сиқат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газет ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамохан бўлиб, журналистларнинг дунёқарши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдикорларини очиб беришга қодир бўлади.

Айтиш жоизки, барчамиз кундалик ташвишлар билан банд бўлиб, бу соҳадаги муҳим ўсиш-ўзгаришларни баъзан сезмай ҳам қолмоқдамиз. Бугунги байрам муносабати билан оммавий ахборот воситалари эришяётган ютуқлар ҳақида сўз юритиш, ўз ишининг чинакам устаси бўлган минг-минглаб журналистларнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни сезиш, қўриш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини чўқур англаш матбуот аҳлига, табиийки, ўз касбидан гурурланиш, ўз меҳнатидан фахрланиш учун ҳақли равишда асос беради.

Агарки менга буорса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, хатто ўз ҳаётини хавф остига қўйиб яшайдиган жонқур журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни ҳолис ва ҳаққоний ёритиб бериш учун инсонда, аввало, катта юрак, воқеалик фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келётган бир инсон сифатида бу соҳанин қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳаммининг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истевдод, тинимсиз заҳмат чекиш, кунт ва изланиш зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонидан ўз ўринини топишга интиляётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намойён этаётгани барчамизга мамнуният етказди.

Масаллага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқорида билдирилган барча фикрларни муҳасаса этадиган юксак бир тушунча борки, у ҳам бўлса, журналистнинг гражданлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ САМАРАСИ



Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг оммавий ахборот воситаларига бўлган чексиз ғамхўрлиги ва эътибори натижасида журналистика соҳасида салмоқли ютуқларга эришилди. Бу даврда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш республикамиздаги демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шартини эканлиги инобатга олиниб, соҳа фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасидаги вазибалар гоётда масъулиятли, шарафли ва залворлидир. Хусусан, бугун журналистларимиз нафақат ҳаётимизда рўй бераётган воқеаликларнинг ёритувчиси, балки жамият манфаатини таъминлашга ҳисса қўшаётганлиги билан ҳам хурмат-эҳтиромга эга. Кўрсатув ёки эшиттириш бўлсин, ахборот ёхуд мақола бўлсин, уларни тайёр ҳолда зийрак томошабин, тингловчи, ўқувчи талабига мос тарзда ҳавола этиш — мураккаб ва ўта машаққатли жараён. Жумладан, ҳозирда юртимизда чоп қилинаётган газет ва журналларнинг сифатли, ранг-баранг ва бежирим нашр этилишида матбаа ходимларининг ҳам хизмати катта. Хусусан, бу соҳа

ривожини таъминлашга қаратилган ислохотлар самараси ўларок, кейинги йилларда республикамиздаги мавжуд нашриётлар замонавий техник ускуналар билан таъминланди, янги босмаҳоналар фаолияти йўлга қўйилди.
Республикамиздаги йирик матбаа корхоналаридан бири — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядор-

лик компанияси жамоаси ҳам мустақиллик йилларида техник ва технологиялар асосида, малакали мухтаassisларимиз томонидан бу ерда рангли тарзда чоп этилаётган газет ва журналлар сифати ўқувчиларга манзур бўлапти.
СУРАТДА: босмаҳона фаолиятдан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини ВАТАН РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт куриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди.

Бундай ғамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашувини, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишини талаб этади.
27 июнь — Матбуот ва

меҳнат қилган кекса журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.
(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

25 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббусига кўра, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарларини кенгашининг 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида (Россия Федерацияси) бўлиб ўтган мажлиси ақуларни тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўз нутқида ШХТнинг ўтган даврдаги фаолиятини ижобий баҳолаб, кўп таъкилотнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этишдаги роли ва аҳамияти охиби бораётганлигини кўрсатиб ўтди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти мажлис чоғида ШХТнинг самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, минтақадан ва бутун дунёда тинчлик ҳақида барқарорлиқни сақлаш ва таъминлашга, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган ташаббуслар билан чиқди.

Афғонистон халқининг тарихий индизларига, аънанавий ислом қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва мазкур мамлакат ичкарисидagi зарур консенсус асосида ҳал этишни назарда тутди.
Муҳокама яқуларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон ташаббусларини амалда рўёбга чикаришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг келгуси даврда ШХТга раислик қилиш вазибаларини самарали амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган тегишли қарори қабул қилинди. Қарорда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларини кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан билдирилган ташаббусларни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришда Қонунчилик палатаси депутатларининг фаол иштирок этишини таъминлаш ҳам назарда тутилди.
(Ў.А.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2008» танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:
Соғиндик ЖАНИЕВ — "Еркин Қарақалпақстан" — "Вести Қарақалпақстана" газеталари муҳбири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларни ёритган мақолалари учун
Абдували КУЗЕМБАЕВ — Навоий вилояти Қонимех тумани ҳокимлигининг "Қонимех тани" газетаси муҳаррири.

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги таҳлилий материаллари учун
Замира МЕҲМОНОВА — Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимлигининг "Чуст ҳақиқати" газетаси масъул котиби. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилга бағишланган туркум мақолалари учун
(Давоми 2-бетда).

Газ таъминоти учун қўшимча тармоқ

2009 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича **249,1** километр узунликдаги газ узатиш тармоғи ишга туширилди.

Жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, қишлоқларни ободонлаштириш дастурлари доирасида амалга оширилган ана шу ишлар натижасида уй-жойлар, муассасалар ва корхоналарни газ билан таъминлаш даражаси ошди.

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Майкл Жексон вафот этди


Лас-Вегасда мусиқа санъатининг поп йўналиши «қироли» дея эътироф этилган кўшиқчи Майкл Жексон ҳаётдан кўз юмди.

Кутилмаганда унинг юраги тўхтаб қолган. Ҳозирча шифокорлар Майклнинг вафоти сабабларини ошкор қилишмаган. Жексонлар оиласи адвокати Брайан Оксман эса ОАВга кўшиқчи Лондонда ўтказилган режаланган концертга тайёрлик вақтида оғрик қолдирувчи дори-лардан хаддан зиёд истеъмол қилгани бу муҳим воқеага олиб келган бўлиши мумкинлигини билдирган.

Яна кечиктирилди

«Boeing 787 Dreamliner» йўловчи ташиш самолётининг синов мuddати яна кечиктирилди.

Бунга ҳаво лайнеридаги айрим техник носозликлар сабаб бўлган. Таъкидлаш жоизки, бу мазкур самолёт синовининг бешинчи бор бекор қилинишидир.



даги самолётлардан 865 донасини етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган.

Маошсиз ишлашга рози

Жорий йилнинг 16 июнь куни Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси ўз ходимларига бир ҳафта ёки бир ой мuddатга маошсиз ишлаб беришни сўраб мурожаат қилганди.


Бундан ташқари, ўша мурожаатда ойлик маошларини қисқартиришга розилик бериш ва ўз ҳисобидан меҳнат таътилига чиқиш ҳам сўралганди.

«Sky News» телеканали хабарига кўра, авиакомпаниянинг саккиз юз нафар ходими текинга ишлаб беришга рози бўлган. Етти минг нафар ишчи эса ойлик маошларини қисқартиришга қарши эмаслигини билдирган. 6940 нафари ўз ҳисобидан меҳнат таътилига чиқадиган бўлди.

«British Airways»да жами 40 минг киши меҳнат қилади.

Сохта пуллар

Болгариянинг Пловдив шаҳрида сохта пул ишлаб чиқариш билан шуғулланган бир гуруҳ жиноятчилар қўлга олинди.



Манбада айтилишича, ўн етти кишидан иборат мазкур жиноий тўда евро пул бирликларини чоп этиш билан машғул бўлган. 400 минг евро миқдордаги сохта банкнотлар далилий ашё сифатида олинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Одатда, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақида гап кетганда, бола тарбияси билан боғлиқ салбий ҳолатлар, муаммолар кўз олдимизга келади. Гўёки, бу комиссиялар аъзолари фақат қаровсиз қолган ёки ҳуқуқбузарлик йўлига кирган болалар тақдирини билан шуғулланаётгандек туюлади. Аслида эса комиссиянинг фаолият доираси ниҳоятда кенг.

ҲУҚУҚИЙ АСОС ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Бугунги кунда вилоятда 2 миллион 658 минг нафардан ортиқ аҳоли яшаётган бўлса, унинг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия асосий эътиборни ҳар бир ўғил-қизни маънавий баркамол, соғлом, миллий аъналаримиз ва умуминсоний қадриятларга муносиб инсонлар қилиб тарбиялашга қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори талабидан келиб чиққан ҳолда, жойларда ёшлар ҳаётига дахлдор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳумоянлиши комиссия томонидан мунтазам ўрганиб борилмоқда. Хусусан, 2008 йилда 112 та масала ўрганилиб, текшириш натижалари шукр таҳлил қилинди. Шаҳар ва туман комиссияларига тушган 261 та ариза қонуний ҳал қилиниб, амалий чоралар кўрилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар вояга ет-

ва бақувват бўлиб ўсиши учун катта гамхўрлик кўрсатишмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 203 та ўрта умумтаълим мактабидан 33 миллиард 483 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, 12570 ўринли 17 та касб-

Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш комиссияларнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ўтган йили вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари аъзолари томонидан 267 та маърифий тадбир ўтказилган. Бу ишга ҳуқуқ-тартибот ходимлари кенг жалб қилинмоқда. Айниқса, прокуратура, ички ишлар органлари билан ҳамкорликда таълим масканларида ташкил этилган «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» кўрик-танлови, оммавий «Усмир» профилактик тадбирлари самарали натижа бермоқда. Шу билан бирга, ўтган йилнинг нояб-рида вилоят миқёсида «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тарғиботи ойлиги» ўтказилди.

Айтиш жоизки, шу каби тадбирлар туфайли вилоятда вояга етмаганлар билан боғлиқ масалалар ўз вақтида ечимини топтомоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2007 йилда жиноят содир этганлар 121 тани ташкил қилган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 101 тага камайди. Бу яхши, лекин шуни унутмаслик керакки, бу рақамнинг орқасида 101 ёшнинг тақдирини турибди. Бундан ташқари, 409 нафар ҳуқуқбузарликка мойил ўсмир рўйхатга олинган.

Қарор ва ижро

рошлик, наққошлик, ўймакорлик, ганчкорлик, зардўзлик, Китоб туманида эса халқ ижодиёти ва амалий санъат тўғрисида яхши ишланганлигини алоҳида кайд этиш лозим.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг доимий эътиборидадир. Бу соҳада Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағидан самарали фойдаланилмоқда.

Шундан келиб чиқиб айтганда, фарзандларимизнинг ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун ҳушёр туриш, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган вояга етмаган инсонни тўғри йўлга солиш ҳар ким, ҳар бир ташкилотнинг вазифасига айланиши керак. Кенг жамоатчилик бу ишга ҳамжихатлик билан киришса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар бир вакили мустақил Ўзбекистонимизнинг чинакам ватанпарвар, бунёдкор фарзанди бўлиб етишади.

Нуриддин РАҲМАТОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби.

Саховатдан яралган кошона

Пахтабод туманидаги Бўстон қишлоғида тадбиркор Абдурахмон Мирзаев саяъ-ҳаракати билан кўркям гузар фойдаланишга топширилди.

Бунинг учун у 160 миллион сўм маб- бида чойхона, новвойхона, сартарош- лаф сарфлади. Мазкур мажмуа тарки-

бида чойхона, новвойхона, сартарош- хона, савдо дўкони ва яна бир қатор

хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Муҳими, гузар фаолият бошлаши билан 20 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жондор туманидаги Хумданак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Барасуот» масъулияти чекланган жамиятида йилгига 150 минг дона момик сочик, 100 минг погон метр бўз ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда қишлоқ ёшларидан 70 нафари меҳнат қилаяпти.

— Ўз ишимдан мамнунман, — дейди корхонанинг илгор тўқувчиларидан бири Хилола Қозоқова. — Биз учун барча қулайликлар яратилган. Шарт-шароитлар шаҳардагидан сира қолишмайди. Муҳими, корхона ўз қишлоқ-гимизда жойлашган.

Жараён

Хилола ҳақ. Бугунги Хумданакнинг қишлоқ аҳолиси учун яратилаётган қулайликларга ҳавас қилса, арзийди. Олтишта савдо шохбаси, ўнта тегирмон, тўқизта автомобилларни таъмирлаш устaxonаси, кўплаб сартарошхона, пойабзал устaxonалари, гўзаллик салонлари шу ҳудудда яшовчи 11 минг нафардан зиёд аҳолининг турмуш фаровонлигини оширмоқда. Қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Ичимлик сув таъминотини янада ях-

шилаш тадбирлари кўриляпти. Ободонлаштириш юмушлари эса авжида.

— Қишлоқларимиз тобора чирой очмоқда, — дейди Қозоқон маҳалласида яшовчи хунарманд Тўрамурад Комилов. — Ишимиз ҳам бароридан келяпти. Маҳсулотларимизнинг бозори

чаққон. Цехимизда тайёрланаётган стол-стул, эшик, дераза, ошхона мебелларининг харидорлари — ҳамқишлоқларим. Уларнинг янги иморат тиклашаётгани, уй-жойларини замонга мос жиҳозлашаётганини кўриб, қувонай бўладими?

Дарҳақиқат, тинчлик, фаровонлик ҳукми сурган жойда меҳнат қилишнинг гашти бўлачак. Ҳаётдан ҳузурланиб яшаганга нима етсин?!

И. ИСТАМОВ.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ биржа савдоларига таклиф этади!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» (РКМБ) ЁАЖ кузатув кенгашининг 2008 йил 28 августдаги йиғилиши қарори ва бошқарувининг 2008 йил 19 декабрдаги қарори ҳамда 2009 йил 19 июндаги бошқарувининг йиғилиш баённомасига асосан, РКМБнинг «Боғишамол» МЧЖ устав фондидаги 3,47 фоиз улуши жорий йилнинг 22 июнь кунидан бошлаб биржа савдоларига чиқарилганлигини маълум қиламиз.

Улушининг бошланғич баҳоси — 41 400 000 сўм. «Боғишамол» МЧЖ Тошкент вилояти, Қиёрай тумани, Салар шаҳарчасида дам олиш маскани сифатида фаолият юритади.

Мазкур улушни сотиб олишга қизиқиш билдирган талабгор шахслар РКМБ биржа аъзоси ҳисобланган профессионал брокерлик идоралари билан топшириқ-шартнома тузган ҳолда, савдоларда иштирок этишлари мумкин.

Биржа савдолари ҳафтанинг барча расмий иш кунлари соат 11 дан 12 гача бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-80-26. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Жамоаси мамлакатимизнинг барфа журналистлари, матбаагилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан муборақбод этади!

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Ҳурматли юртдошлар!

«Микрокредитбанк» замонавий банк хизматларидан бири — пластик карточкалардан фойдаланишни таклиф этади!

«Микрокредитбанк» пластик карточкалари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида, меҳмонхоналарда, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компаниялари ва ҳатто, метрополитенда тўловларни амалга ошириш, шунингдек, савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ — БУ:

- сизни кўп миқдордаги нақд пулни кўтариб юриш ташвишларидан халос этади;
- ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларида нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.

Хизматлар лицензияланган.

Пластик карточкалардаги пуллариингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.

Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин.

Пластик карточкалар йўқолганда, қолдиқ маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.

«Микрокредитбанк» пластик карточкаларидан фойдаланинг!

Қўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-05-87, 273-43-11. Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.

Тошкент маданият коллежида таълим олаётган бир гуруҳ ёшлар айни дам ёзги таътил бўлишига қарамай, ҳар кунги ўқув дарғоҳидаги ўқувлари — Деҳқонбой Хусанов хузурига ошқадилар. Ёшлар дутор, танбур, рубобу доира жўрлигида аънавий кўшиқчилик санъати бўйича билим ва иқтидорларини мустаҳкамлаш мақсадида соатлаб машқ қилишади.

Соғинч

УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРДЛАР

Деҳқонбой акани ўта қаттиққўл, талабчан ва инжиқ устоз деб билишлари рост, аммо у кишининг санъатга муҳаббатини, шогирдларга бўлган самийий меҳрини, устоз ҳофизлар — Юнус Ражабий, Маммуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Комилжон Отаниёзовга хос гўзал инсоний хислатларини дилдан хис этишади, ўқитувчининг улғусанъаткорлар ҳақидаги ёрқин хотираларини тингламоқдан хузурланади.

— Бахтим шундаки, маҳоратда тенгсиз, бебаҳо устозлардан сабоқ олишга муяссар бўлганман, — дейди домла шогирдлари. — Ана шундай фидойи устозларим каторида яна бир инсон, соҳир овози, бетак-

саҳнада Э. Йўлдошев маҳорат билан ижро этган “Эй, сарви равон”, “Ўзбекистондан”, “Дилкаш дутори”, “Фарғона рубойиси”, “Елғиз”, “Уйнаб ўтинг, шободанлар” номли дилтортар тароналарни куйлаб, томошабиллар олқишига сазовор бўлди.

Эргаш Йўлдошев опера ва балет театридаги фаолияти асосида ўзбек ва жазон санъатининг уйғунлигини таъминлашга муваффақ бўлади. У киши ўзбек опера ария-

ҳасиз, унинг устоз ҳофиз Жўраҳон Султонов, Маммуржон Узоқов дуосини олганлиги, пурмаъно ўғитларга қўлқў тутиб, миллий санъатимизга юксак эҳтиром ила муносабатда бўлганлиги эди.

“... Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт, Йиғларимнинг шиддатин ул барги хандонимга айт...”

Навийи газали билан айтулувчи бу хонини Хасан ва Хусан Жўраевлар ижросида сел бўлиб тингладик.

га кўниктира билиш, улар кўнгида куй ва мусиқага муҳаббатни янада кучайтириш устоздан катта масъулият талаб этади. Коллежимиз ўқитувчилари фаолияти мисолида бу борада эришилаётган натижалардан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Бугун ҳар бир педагог-мураббий ёшларимиз миллий кадрлар руҳида камол топтоғи учун улар мумтоз куйларимизнинг мазмун-моҳиятини теран тушуниб етишлари, миллий меросимиз намуналарини чуқур ўрганишлари кераклигини теран ҳис этиб, шу йўлда иходий имкониятларини ишга солмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодининг пухта билим эгаллаши, хусусан, санъат соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиши учун кўрсатилаётган гамхўрликлар замирида ҳам ана шу эрғак мақсад ўз ифодасини топади. Аввалдан қониқиш ҳосил қилишдан бир мисрани тинглаб-тингламай, ўқувчининг дарсини ўзлаштириш даражасини баҳолаш бугунги мезонларга мувофиқ эди. Шу боис бугун ўқув дарғоҳларида улғусанъаткорлар мерос устоз-шогирд аънаъниси асосида ёшларга сабоқ бериш, санъатга иштирокманд ўғил-қизларнинг ҳар бири билан индивидуал тарзда ишлашга катта эътибор қаратилаяпти.

М. ОХУНОВА.

ОНА ЮРТИМНИ КУЙЛАЙМАН

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови она-юртга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Мазкур қарор ижроси доирасида Навоий вилоятида ҳам танловнинг кўйи босқичлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Навоий шаҳри, Навоихор, Қизилтепа, Кармана, Хатирчи ва Қонимех туманларида ўтган танловда юзга яқин иштирокчи ёшлар жаннатмонанд юртимиз мадҳига бағишланган кўшиқлари билан иштирок этди. Фоллибар танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

— Иштирокчиларнинг сўз, куй, оҳанг уйғунлигига алоҳида эътибор қаратаётгани, саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини намойиш

этишга сидқидилдан интилаётгани қувонarli, — дейди Навоий вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси хузуридаги «Наво» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Абдурахмон Тешаев. — Ватан ҳақидаги кўшиқ она алласидай ёқимли, кадрли бўлмоғи, ёшлар қалбига элмонанд юртимиз мадҳига бағишланган кўшиқлари билан иштирок этди. Фоллибар танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Ёркул УМАР, Ўза Мухбири.

ТАСВИРЛАРДА ТАБИАТ ТАРАННУМИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ёш рассомлар кўргазмаси очилди.

“Натюрморт” деб номланган ушбу кўргазмада 34 нафар мўйқалам соҳибининг эллидан зиёд асарлари ўрин олган. Улар мусаввирликнинг бир қанча йўналишида чизилган намуналардан иборат. Ранг-тасвир,

даги ёндашуви билан бир-бирдан фарқ қилади. Масалан, Темур Раҳметов юртимизнинг энг сара меваларини тасвирласа, Дибёр Розиков мевалардан композиция яратган, Нигора Шарафбир қанча йўналишида услуби ўзига хос. Лекин рассомлар таллаган

графика, гобелен, мойбўёқ, манзарали натюрморт, фото-принт ва коллаж... Гарчанд, кўргазмага қўйилган асарлар турли усулларда яратилган бўлса-да, уларни ягона йўналиш — натюрморт бирлаштиради.

Расмларга эътибор берсангиз, ҳар бир мусаввир ўз мавзуси, дунёқараши, мавзу талқини мавзуда умумийлик бор — Ватан тараннуми! Ватанга муҳаббат, унинг боғу роғларига, ҳар қарич тупроғига бўлган меҳр уларнинг қўлларига мўйқалам тўтқаган бўлса, не ажаб. Кўргазма 10 июлгача давом этади.

Гулнора ЭШМУРОВА, саяхатшунос.

ОБ-ҲАВО

(27 июнь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. **Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қўтилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. **Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёгингарчилик қўзилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қўтилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик қўзилмайди. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Тошкент шаҳри.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 17-19, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Тошкент тўқимачилик ва текстил саноат институти жамоаси модия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор Жўра Мирҳамедовга ораси

ҲАБИБА алийн вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети Тошкент шаҳар филиали меҳнат жамоаси Геология ва геофизика кафедраси доценти Абдуразоқ Мирзаева падари бузурқовни

УМУРЗОҚ отанин вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг солиқ коллежи жамоаси коллеж ходими **Махфуза Закировна УБАЙДУЛЛАЕВА**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумининг оила аъзолари ва яқинларида чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

“Ўзгромашсервис” уюшмаси жамоаси Машина-трактор паркларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Ҳожимурод Мирфайзиева волидан муҳтарамаси

МУПАРАҲ алийн вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Жиноят процесси кафедраси ўқитувчиси Ғулом Шодиева отаси **Маҳаммад ШОДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

«ХОРАЗМ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг 14-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Жорий мавсумда яна кучлилар сафига қайтган “Хоразм” жамоаси номдор клубларга қарши тенгма-тенг кураш намойиш этиб, ўз муҳлисларини хушнуд этишда давом этмоқда. Бу сафар хоразмлик футболчилар Қаршига сафар уюштириб, “Насаф” жамоасини 0:1 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлишди. Таъкидлаш лозимки, “Хоразм” жамоасига, асосан, маҳаллий ёш футболчилар жалб этилган.

Чемпионат пешқадами — “Бунёдкор” ушбу турда Бекободда “Металлург”ни 0:4 ҳисобида доғда қолдирди. Шу кун Ривалдо мезбонлар дарвозасига учта тўп киритди. Бу билан бразилиялик легионер тўпурарлар рўйхатида етакчи (10 та тўп) бўлиб олди. Вице-чемпион “Пахтакор” эса ўз майдонида

З. ЖОНИБЕКОВ.

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК НАМУНАСИ

Спортимиз шухратини оламга ёйиш, ёш иқтидорлар маҳоратини сайқаллаштириб, бўлажак чемпионларни тарбиялашда ихтисослаштирилган спорт мактабларининг ўрни беқиёс. Тўрақўрғондаги шундай мактабда бадиий гимнастика қизиққан қизлар таҳсил олишади.

Спорт мактабининг муҳташам залида оқшумисол хиром айлаётган қизлар нафис ҳаракати, машғулотларга бўлган қизиқиши билан киши эътиборини тартади. Ижро этилаётган ҳар бир ҳаракат худди рақс сингари ўзига хос

коллекжга хужжатларимни топширдим. Мақсадим, бадиий гимнастика устаси бўлиб етишиб, жаҳон майдонига чиқишдир. Гимнастика мактабида Гулнўхол сингари спортни ўз келажаги, деб билган 200 нафар қиз таълим олаёпти. Умумтаълим мактабидаги ўқишга ҳамоҳанг тарзда нафосат машқлари билан шуғулланаётган бу қизлар бадиий гимнастика бўйича олган билимларини турли беллашувларда синондан ўтказиб боришади. Жумладан, жорий йилнинг март ойида Фарғона водийси вилоятлари ўртасида ўтказилган “Олтин водий” мусобақаларида тўрақўрғонлик қизлардан 6 нафари муваффақиятли қатнашиб, “Энг яхши иштирокчи” номинацияси бўйича голиб чиқдилар. “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг вилоят босқичида эса фахрли иккинчи ўрин қўлга киритилди.

— Шароит ва имкониятларимиз тобора яхшиланиб бораёпти. — дейди мактаб директори Г. Собирова. — Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қўмағи билан қўшимча жиҳозлар олдиқ. Айни чоғда машғулотларга зўр бериб, “Ўзбекистон — умид” республика мусобақаларига тайёргарлик кўраёлима.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда шахмат бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма берувчи минтақавий саралаш мусобақалари якунланди.

Ўн кун давом этган беллашувларда мезбонлардан ташқари, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган 25

АНТОН ВА НАФИСА ЙЎЛЛАНМА ЭГАСИ

нафар энг кучли шахматчи жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб борди. Эркаклар ўртасидаги мусобақада юрдошимиз Антон Филиппов ва тожикистонлик Фаррух Омонатов 10 тадан очко жам-

ғариб, жаҳон чемпионати бориш имкониятига эга бўлишди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда эса мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони Нафиса Мўминова 8 очко билан ягона йўлланмани қўлга киритди.



ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«АСАКА» БАНКИ ЖАМОАСИ

матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан табриклайди!

Барчага фаровонлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва иходий муваффақиятлар тилайди.

Бадиий гимнастика

мазмун-моҳиятга, рамзий маънога эга. Спортчи уни баҳариш жараёнида эпчил, чапдаст бўлмоғи, қолаверса, куй сеҳрини дилдан хис этиши даркор. Мактаб раҳбари Гулнеҳра Собированинг айтишича, бу ерда тарбияланувчилар ҳали суяги қотмай туриб, аниқроғи, боғча ёшиданок қабул қилинади. Масалан, беш ёшли Мохларой Анваржонова деярли бир йилдан буён машғулотларга қатнайд.

— Бадиий гимнастика — гўзаллик, нафосат спорти, у энг аввало, қизлар қадиқомати расо бўлишига хизмат қилади. Тиббий жиҳатдан олиб қаралса, спортнинг бу тури билан шуғулланиш киши вужудида қон айланишини тартибга солиди, — дейди ёш чемпион Гулнўхол Топилова. — Мактабимизда саккиз нафар мураббийимиз ҳар биримиз билан алоҳида шуғулланиб, ҳаракатнинг нозик жиҳатларини эринмай ўргатади. Бу ерга келганимда ўн икки ёшда эдим, Мана, бугун мактабни битираёман. Кунги кеча вилоят марказидаги Олимпия захиралари спорт

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Селати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоқи келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамил Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗАА якуни — 21.00 Тошхирлид — 23.30

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСЦ,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улумуродов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

1 2 3 4 5 6 7 9